



## GUARANTEES IN THE LEGISLATION OF EUROPEAN COUNTRIES AIMED AT ENSURING THE RIGHTS OF THE SUSPECT AND THE ACCUSED

**Saidov Bakhrom Anvarovich**

Head of the Master's program of the Academy of the Ministry of Internal Affairs, Doctor of Law, Professor

**Amanov Azamat Akmal ugli**

Independent Researcher of Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

E-mail: [azamat.amonov.92@mail.ru](mailto:azamat.amonov.92@mail.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17816172>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> November 2025

Accepted: 29<sup>th</sup> November 2025

Online: 30<sup>th</sup> November 2025

### KEYWORDS

*Suspect, accused, defendant, defendant, catch, detain, defense lawyer, inquirer, investigator, prosecutor.*

### ABSTRACT

*The article provides a comparative analysis of the rights guaranteed in the legislation of developed countries such as the USA, Japan, Finland, Georgia, and Austria, where, in accordance with the criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan, guarantees aimed at ensuring the rights of suspects and accused persons in pre-trial proceedings have been developed, and proposals and recommendations for their implementation into national legislation have been put forward.*

## ГАРАНТИИ, НАПРАВЛЕННЫЕ НА ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРАВ ПОДОЗРЕВАЕМОГО И ОБВИНЯЕМОГО В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ ЕВРОПЕЙСКИХ СТРАН

**Саидова Бахрома Анваровича**

Начальник магистратуры Академии МВД, доктор юридических наук, профессор

**Аманов Азамат Акмал улги**

Министерство внутренних дел Республики Узбекистан. Независимый студент

Академии. E-mail: [azamat.amonov.92@mail.ru](mailto:azamat.amonov.92@mail.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17816172>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> November 2025

Accepted: 29<sup>th</sup> November 2025

Online: 30<sup>th</sup> November 2025

### KEYWORDS

*Подозреваемый, обвиняемый, подзащитный, подсудимый, поймать, задержать, адвокат защиты, дознаватель, следователь, прокурор.*

### ABSTRACT

*В статье проведен сравнительный анализ прав, гарантированных в законодательстве развитых стран, таких как США, Япония, Финляндия, Грузия, Австрия, где в соответствии с уголовно-процессуальным законодательством Республики Узбекистан развиты гарантии, направленные на обеспечение прав подозреваемого и обвиняемого в досудебном производстве, а также выдвинуты предложения и рекомендации по имплементации их положительных аспектов в национальное законодательство.*



**ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ  
ВА АЙБЛАНУВЧИНING ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА  
ҚАРАТИЛГАН КАФОЛАТЛАР**

**Саидов Баҳром Анварович**

ИИБ Академияси Магистратура бошлиғи, юридик фанлар доктори профессор

**Аманов Азамат Акмал ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси мустақил

изланувчиси E-mail: [azamat.amonov.92@mail.ru](mailto:azamat.amonov.92@mail.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17816172>

**ARTICLE INFO**

Received: 24<sup>th</sup> November 2025

Accepted: 29<sup>th</sup> November 2025

Online: 30<sup>th</sup> November 2025

**KEYWORDS**

*Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ушлаш, ушлаб туриш, ҳимоячи, суриштирувчи, терговчи, прокурор.*

**ABSTRACT**

*Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига биноан ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг хуқуқларини таъминлашга қаратилган кафолатлар ривожланган хусусан АҚШ, Япония, Финландия, Грузия, Австрия каби ривожланган давлат қонунчилигида кафолатланган хуқуқлар қиёсий таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158 сонли Фармони билан “Ўзбекистон-2030” стратегияси тасдиқланди. Мазкур стратегия 100 та мақсадни ўз ичига қамраб олиб, ислоҳоларнинг бош мақсади “Барча сай ҳаракатлар инсон манфаатларига хизмат қилиши керак”лиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Ушбу стратегияда белгиланган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида Президентимизнинг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-37-сонли Фармони имзоланди. Унга кўра Жиноят-процессуал қонунчилигида процесс иштирокчиларини Ўзбекистондан чиқиш хуқуқини вақтинча чеклаш тартибини белгилаш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси белгиаб ўтилган.

Қолаверса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон Қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Мазкур концепцияда, суд-тергов амалиётида, жумладан мамлакатнинг жиной-хуқуқий сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигидаги айрим нормаларнинг мукамал



эмаслиги билан боғлиқ бўлган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётганлиги қайд этилган.

Ривожланган хорижий давлатларда бу борада суднинг мавқеи юқори бўлиб, ишни судга қадар юритишда суриштирув ва дастлабки тергов устидан суд назорати кучайтирилгани, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳаси кенг татбиқ этилганини кузатиш мумкин.

«Habeas corpus ad subjiciendum» – «Сен шахсни судга олиб келишга мажбурсан», деган маънони англатиб, бу тартибот XV асрдаёқ пайдо бўлган ва илк бор Англия парламенти томонидан 1679 йилдан бошлаб амалиётга татбиқ этилган. Ушбу ҳужжатга 1689, 1766 ҳамда 1816 йилларда қўшимчалар киритилиб янада такомиллаштирилган. Ҳозирги кунда у, энг аввало, англо-саксон ҳуқуқ тизими мамлакатларида, шунингдек, Латин Америкаси давлатларида инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг энг ишончли кафолати сифатида такомиллашиб бормоқда. Мазкур институт суриштирув, тергов ва суд амалиётида фуқаролар дахлсизлигини таъминлаш учун янада холис механизм жорий этилишига ва адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, суриштирув ва тергов ходимлари масъулиятини ошириш, тергов сифатини яхшилаш, шахнинг илтимос келтириш ва шикоят қилиш ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда белгиланганидек, ҳар қандай шахс учун суд орқали ҳимояланиш имкониятларини яратишга ёрдам беради.

Аксарият ривожланган давлатлар жиноят процессида умуминсоний қадриятларга амал қилинишига катта эътибор қаратилган. Масалан, Францияда ноқонуний ушлаб туришга қарши жинойий жавобгарлик чоралари кучайтирилган. АҚШда ўтказилган икки босқичли ислоҳотлар доирасида камбағаллар ҳуқуқи такомиллаштирилиб, унга кўра моддий жиҳатдан ночор айбланувчилар адвокат хизматидан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлган.

Кўплаб мамлакатларда тергов ишлари устидан суд назорати дастлабки тергов принципларидан бири ҳисобланади. АҚШ Конституциясига киритилган IV-ўзгартишга кўра, суд қасам ёки тантанали ваъда билан тасдиқланган етарли асосларсиз қамоққа олишга ордер бермайди. АҚШда процессуал-мажбурлов чоралари шахнинг конституцион ҳуқуқларини жиддий чеклаши боис унга фақатгина суднинг рухсати билан йўл қўйилади.

Буюк Британияда эҳтиёт чораси сифатида шахс ҳибсга олингач, асрлардан буён амалдаги habeas corpus act қоидаларига биноан у дарҳол судья ҳузурига келтирилади. Германия жиноят-процессуал қонунчилигида тергов устидан суд назоратига, ишларни тезкор, соддалаштирилган тартибда юритишга, тортишув принципининг амал қилишига ва шахнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазаси масалаларига алоҳида эътибор берилади. Франция қонунчилигига кўра процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколати судлар қошидаги махсус тергов палатасига берилган. Японияда тергов ва суриштирув устидан назоратни прокурорлар амалга оширади. Иш бўйича гумон қилинувчи шахс ушланса, у 48 соат ичида прокурор ҳузурига олиб келиниб, унга нисбатан



қўлланиладиган процессуал мажбурлов чораси масаласи ҳал этилади. Тамомланган барча ишлар терговни амалга оширган полиция органи томонидан прокурорга жўнатилади, майда ишларни эса полициянинг ўзи мустақил равишда ҳал этади. Тинтув ва олиб қўйиш каби ҳаракатлар адлия ходимлари томонидан суднинг алоҳида буйруғи асосида амалга оширилади.

Тадқиқот ишимиз доирасидаги навбатдаги масала айбланувчининг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Бу борада аввало 2023 йил 30 апрелда умумхалқ томонидан қабул қилинган Конституциямиз муҳим аҳамият касб этади. Чунки Конституциямизнинг 28-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади” деб белгилаб қўйилди. Бундан ҳам энг муҳими “Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” лиги белгиланганли фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларни ноҳақ жавобгарликка тортилишини олдини олишга хизмат қилувчи қоида бўлди десак муболаға бўлмайди.

Мазкур икки устувор қоидадан келиб чиқадиган бўлсак амалдаги ЖПКнинг 23-моддасидаги “Айбсизлик презумпцияси” бош қомус даражасига кўтарилганлигини кўриш мумкин. Шу ўринда “Презумпция” сўзига тўхталиб ўтиш жоиз. “Презумпция” сўзининг маъноси қайсидир қоидани ҳақиқат сифатида қабул қилиш маъносини беради. “Айби исботланмагунча айбсиз” қоидасини биринчи бўлиб 1700-йилларда инглиз адвокати Уильям Гарроу томонидан ишлатилган. Гарроу шахснинг айбдорлик масаласи судда синчковлик билан ўрганиб чиқилиши керак, деб ҳисоблаган. Исролаш иштирокчилари ўрганилаётган ижтимоий хавфли қилмиш ҳақиқатдан содир бўлганлигини ва унга нисбатан иш юритилаётган шахс ҳақиқатдан ҳам мазкур жиноятни содир этганлигини исботлашлари шарт. Шунинг учун гумон қилинувчининг кўрсатув бермаслиги унинг ўзига қарши далил сифатида ишлатилиши мумкин эмас. Ҳукм чиқариш орқали давлат шахснинг айбдорлигини юқори даражада исботлаши керак бўлади. Исролаш эса ўз ўзидан исботлаш стандартлари билан боғлиқ[1]. Бошқача айтганда, айбсизлик презумпцияси исбот қилиш мажбурияти ва исботлаш стандартларини ҳам ўз ичига олади. Инглиз ва америка қонунчилигида исботлаш стандартлари дейилганда судьянинг иш бўйича қарор қабул қилишига асос бўладиган мезонлар тушунилади.

Аксарият манбаларда мазкур қоида “айбланувчи”га нисбатан қўлланилганлигини кўрамиз. Бироқ, процессуалист олимлар бу масалага ўзгача муносабат билдиришган. Жумладан, П.С.Гордеев “айбланувчи” атамаси кенг маънода қўлланилиб, у гумон қилинувчи, судланувчи ва ҳукми қонуний кучга кирмаган маҳкумга ҳам тегишли эканлигини таъкидлаб ўтган[2]. А.Ю.Кирьянов эса юқоридаги қоидани “жиноий таъқиб амалга оширилаётган ҳар қандай шахс” га тадбиқ этиш кераклигини айтган[3]. Худди шундай фикрни В.М.Абдрашитов ҳам билдириб ўтган[4]. Олимлар фикрларига тўлиқ қўшилган ҳолда айтишимиз



мумкинки, айбсизлик презумпциясининг фақат айбланувчига нисбатан қўлланилиши унинг тўлиқ мазмунини очиб бермайди. Шунинг учун уни то суднинг ҳукми қонуний кучга киргунга қадар бўлган даврда жиноий жавобгарликка тортилган барча шахсларга нисбатан қўллаш лозим ва бу фикр миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган.

Нафақат ишни судда кўриш жараёнида, балки ишни судгача юритиш даврида ҳам айбсизлик презумпцияси кафолатланиши керак. Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини суд томонидан гаровга алмаштирилиши ёки бу эҳтиёт чорасининг қўлланилиши айбсизлик презумпциясига салбий таъсир кўрсатмаслиги зарур.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси шахснинг қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз ҳисобланиш ҳуқуқи — чекиниб бўлмайдиган ва чеклаб бўлмайдиган мутлақ ҳуқуқ эканлигини таъкидлаб келади[5]. Мазкур принципнинг мақсади шахсни нотўғри айбланишдан ҳимоялаш орқали “тўғри ва ҳақиқий натижа”ни таъминлаш саналади. Бундан ташқари, бу презумпция гумон қилинувчининг одил судловга бўлган ҳуқуқининг муҳим элементи саналади. Айнан шунинг учун ҳам шахснинг айбини исботлаш мажбурияти давлат органлари зиммасига юклатилган. Унинг мазмунига кўра шахс кўрсатув беришга ва айбини тан олишга мажбурланиши мумкин эмас, унинг айбини шахснинг ўзи эмас, давлат исботлаши керак. “Ei incumbit, probatio qui dicit, non qui negat”[6] – мазкур жумла лотинча бўлиб, унинг мазмуни “исбот қилиш мажбурияти тан олмайётган эмас, мурожаат қилаётган тараф зиммасида қолади” деган маънони билдиради. Бошқача айтганда, жумла айбсизлик презумпциясининг мазмунини билдиради.

Жиноят-процессуал қонунчилигимизга кўра, гумон қилинувчи биринчи марта сўроқ қилинишидан олдин унинг 48-моддаларида назарда тутилган процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади, унинг қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганлиги эълон қилинади, гумон қилинувчига ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарор тақдим қилинади ва айбловнинг моҳиятини тушунтирилади. Бундан ташқари, мазкур моддага кўра, суриштирувчи, терговчи айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин у ўзини айбли ҳисоблаши-ҳисобламаслигини ёки ўз айбини тўла ёхуд қисман рад этиши ёки этмаслигини аниқлаши шарт.

Бизнингча, қонунчилигимизда мустаҳкамланган айблов билан боғлиқ мазкур нормалар мазмуни баҳсли бўлиб, тергов жараёнида, балки унинг дастлабки босқичларида шахсга нисбатан айблов эълон қилиш тартиби айбсизлик презумпциясига зид ҳисобланади. Г.З.Тулаганова ва А.С.Абдуллаевлар фикрига кўра, терговчи ёки прокурорнинг гумон қилинувчини сўроқ қилиш вақтида айблаш ҳолатини эгаллаши ўринли эмас[7], чунки бу иштирокчилар жиноятни умуман содир этмаган бўлишлари ва уларни фақат суд жиноят содир этишда айбдор, деб топишга ҳақли.

Мазкур тартибни ўзгартириш, умуман айблов эълон қилиш институтини такомиллаштириш юзасидан бир қанча олимлар ҳам ўзларининг таклифларини бериб ўтишган[8] яъни С.А.Кузора ва К.А.Пахарьковлар фикрларига тўлиқ



кўшилган ҳолда, жиноят-процессуал қонунчилигимиздаги ўрнатилган амалдаги тартибни қайта кўриб чиқиш тарафдоримиз.

Ривожланган хорижий мамлакатларда ўрганилаётган масала юзасидан тури хил янги маълумотларни олиш мумкин, Жумладан **Финляндияда**[9] полиция ушланган шахснинг оила аъзолари ёки яқин инсонларига хабар беришга мажбур. Айнан мансабдор шахс 24 соат ичида ушланган шахсни озод қилиш ёки қамоққа олиш масаласини кўриб чиқади. Худди шундай муддатни **Дания**[10] қонунчилигида ҳам кўришимиз мумкин. Шахс ушланган вақтдан бошлаб тўрт кундан кечиктирмасдан суд уни қамоққа олиш чорасини кўриб чиқади. Бунда қамоққа олишни қўллаш бўйича судга илтимоснома шахс ушланган вақтдан бошлаб учинчи кун кечаси 12:00 гача берилиши керак, яъни илтимоснома киритишининг охириги вақти ҳам тартибга солинган. Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 2014 йил 1 январдан кучга кирган “Мажбурлов чоралари” актининг 6-банди (Асоссиз қамоққа олишнинг таъқиқланиши)га кўра, иш ҳолатларига ёки гумон қилинувчининг ёши ва бошқа шахсий хусусиятларига тўғри келмайдиган бўлса, унга нисбатан қамоққа олишни қўллаш мумкин эмас.

Бундан ташқари, Финляндия жиноят процессуал актининг 14-бўлими 17-бандига кўра шахс жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлангач, унга жами етти бетдан иборат ва ўн беш тилдаги “**Ҳуқуқлар хати**[11]” (Letter of Rights) тақдим этилади. Финляндия қонунчилиги бўйича, қидирувдаги шахсни ушлаш учун ҳам, қамоққа олиш чорасини қўллаш учун ҳам ушлаб туриш қоидалари қўлланилади ва бу қоидалар қонгунчиликда мустақамлаб қўйилган. Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс қўйиб юборилгач, кейинчалик айнан ўша асос бўйича яна қайтадан ушланиши ёки қамоққа олиниши мумкин эмас.

**Австрия** қонунчилиги[12] бўйича полиция томонидан шахсни ушлаш вақтида ёки ундан кейин тушунтирилади. Маълумотлар ёзма кўринишда ва тушунарли тилда бўлиши лозим. “**Ушланган шахслар учун маълумотлар хати**” ушланган шахс тилида тақдим этилиши шарт. Шахс мазкур хатни ўзида сақлаш ҳуқуқига эга. Ушланган чет эл фуқароларига ўзларининг консуллик идоралари билан боғланиш имконияти яратиб берилади. Шунингдек, оила аъзоларига ҳам ушланганлик тўғрисида хабар берилади, исталган вақт адвокат билан маслаҳатлашув ўтказиш имконияти таъминланади. Австрия Федарал Адвокатлар ассоциациясининг Тезкор қонуний маслаҳат хизмати (‘Standby Legal Counselling Service’) тўғрисида маълумот берилади. Бу хизмат куну тун фаолият юритиб, ушланган шахс навбатчи адвокат билан гаплашиш ҳуқуқига эга.

**Грузия** қонунчилиги[13] бўйича шахсни такрор ушлаб туришни тақиқловчи принцип мавжуд. Унга кўра, илгари асос бўлган далил ва маълумотларга таяниб, шахсни такроран ушлаб туриш мумкин эмас. Шунингдек, шахсни айблаганга фақат прокурор ваколатли. Муҳим жиҳати, шундан иборатки, Грузия жиноят-процессуал кодексида гумон қилинувчи мустақил субъект сифатида мавжуд эмас. Шахс ушланган вақтдан бошлаб у айбланувчи мақомида бўлади.

Тадқиқотимиз давомида ривожланган давлатларнинг қонунчилигини ўрганишда уларнинг ижобий тарафларидан бизга энг мақбул келгани Россия



Федерацияси ҳамда Беларус давлатларининг жиноят процессуал қонунчилиги бўлди. Яъни ушбу давлатларнинг қонунчилигига кўра (РФ ЖПКнинг 39-моддаси, Белоруссия Республикаси ЖПКнинг 35-моддаси) тергов органларида процессуал назоратни янада кучайтириш мақсадида тергов органи раҳбарига терговчи ёки қуйи тергов органи раҳбарининг асоссиз ва қонунсиз қарорларини бекор қилиш ҳуқуқи берилган.

Шу боис, ишни судга қадар юритиш босқичини назорат қилувчи прокурорларнинг ЖПКда кўрсатилган ваколатлари сақлаб қолинган ҳолда, тергов идораси раҳбарларига қўл остидаги тергов ходимларининг қонунсиз ва асоссиз қарорларини бекор қилиш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида:

– ортиқча оворагарчилик ва қоғозбозлик (прокурор томонидан жиноят иши бўйича ёзма кўрсатмалар, қарорлар, хатлар ва ҳ.к. ёзилиши)га чек қўйилади;

– бевосита назорат қилувчи прокурорлардан ташқари, тергов раҳбарлари томонидан ҳам қабул қилинган қарорлар устидан процессуал назорат кучаяди. Бу эса, табиийки, терговга қадар текширувчи ва жиноят ишини тергов қилувчи субъектларнинг масъулиятини оширади;

– ишни судга қадар юритишда тезкорлик ортади, яъни терговчи қабул қилган қарори прокурорга юборилгунига, прокурор уни назорат тартибида ўргангунига, сўнгра тергов раҳбарига қайтарилгунга қадар ўтган вақт йўқотилмасдан, тергов ҳаракатларини тезкорлик билан олиб борилишига имконият яратилади. Бу эса гумон қилинувчи, айбланувчи (айниқса у эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланаётган бўлса) манфаатларига ҳам хизмат қилади;

– тергов тизимидаги жиноят ишлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини тўлақонли ўрганишга, назорат қилувчи прокурорлар томонидан уларни мониторинг қилиб борилишига имконият яратилади ва ҳ.к.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 37-моддаси (тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг ваколатлари)га бешинчи қисм сифатида «*юқори турувчи тергов органининг бошлиғи ва унинг ўринбосари тергов ходимларининг қонунга зид ва асоссиз қарорларини бекор қилади*», деган қонун киритиш мақсадга мувофиқ.

Навбатдаги энг муҳим ҳамда оғриқли масала бу гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ. Минг афсуски бу борада бир қатор ислохотлар амалга оширилган бўлсада ҳалигача оғриқли нуқта бўлиб қолмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ҳам ўзининг маърузаларида алоҳида тўхталиб ўтиб, "...адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарур.

Бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, адвокатлар ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам бор. Мисол учун, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисига фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди.



Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги адвокатларнинг 60 фоизи 50 ёшдан ошган шахслардир. Улар орасида 30 ёшга тўлмаган ёшлар 70 нафарга ҳам етмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш учун аввало адвокатлар нуфузи ва мақомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлашимиз шарт.

Яқин истиқболда адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт”[14] деган фикларни илгари сурганлар.

Ривожланган хорижий мамлакатларда, хусусан **Грузия, Арманистон** ёки қўшниларимиз **Қозоғистон ва Тожикистон Республикалари** Жиноят-процессуал кодексида терговчи, прокурор ва суд бирор адвокатни тавсия этишга ҳақли эмаслиги қатъий мустаҳкамлаб қўйилган. Шунинг учун тергов жараёнида бундай адвокатлар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари натижаларини номақбул деб топиш зарур ва бу ҳолат ЖПКнинг 95<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми 3-банди билан асосланиши керак. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 6-банди 2-қисмини қўйидаги таҳрирда баён этиш зарур: “гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи тушунтирилмаган ёки **ҳимоячи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг тавсиясига кўра таъминланган** ёхуд бу ҳуқуқдан фойдаланиш имконияти амалда таъминланмаган бўлса”. Чунки фактик маълумотлар жиноят процесси иштирокчисининг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинмоқда. Терговчи, суриштирувчи ёки прокурор адвокатни тавсия этиши керак эмас. Афсуски, ҳозирги кундаги амалиёт суистеъмолликларга йўл очиб бермоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 50-моддаси 1-қисмини эса қўйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

*“Ҳимоячи: 1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек яқин қариндошлари ва бошқа шахслар томонидан; 2) вафот этган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг вакиллари томонидан; 3) тайинлов асосида давлат ҳисобидан ҳимоячи иштирок этиши зарур бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан таклиф этилади. Бунда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ўзи аниқ бир адвокатни тавсия этишга ҳақли эмас”.*

Шунга мос равишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги [Қарори](#)нинг 6-банди 2-қисмини қўйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи



тушунтирилмаган ёки ҳимоячи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг тавсиясига кўра иштирок этган ёхуд бу ҳуқуқдан фойдаланиш имконияти амалда тaminланмаган бўлса.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, ҳимоячи томонидан берилган маълумотларни ишга қўшиш тўғрисидаги илтимосномаларни қаноатлантириш ва далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш ваколатлари фақат суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига юклатилган бўлиб, ҳимоячи ҳалигача далилларни мустақил тўплаш ҳуқуқига эга эмас.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, исбот қилиш мажбурияти юклатилган субъектлар учун далиллар тўплашда етарлича ваколат берилган бўлиб, уларни ҳимоячининг ваколатлари билан солиштириб бўлмайди. Бу эса тергов органларининг жинойтларни тергов қилиш жараёнида ҳимоячига нисбатан яққол устунликка эгалигидан далолат беради. Шунинг учун гумон қилинувчи ва айбланувчиларга ҳақиқатда ишончли ҳимояни кафолатлаш учун ҳимоячининг ваколатларини кенгайтириш зарур, масалан муайян тергов ҳаракатини ўтказишни сўраб тергов органларига илтимоснома киритиш ҳуқуқини бериш зарур.

## References:

1. Стандарт доказывания. Теория вероятности доказательств. <https://lawbook.online/protsess-zarubejnyih-grajdanskiy/standart-dokazyvaniya-teoriya-veroyatnosti-56701.html>
2. Гордеев П.С. Некоторые аспекты презумпции невиновности в уголовном процессе. Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 5, Юриспруд. 2012. № 2 (17). <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-aspekty-prezumptsii-nevinovnosti-v-ugolovnom-protsesse>
3. Кирьянов А.Ю. Проблемы реализации презумпции невиновности в современном уголовном процессе России: автореф. дис... канд. юрид. наук. Самара, 2012. С. 8. // Авторефераты диссертации по юридическим наукам. <http://www.lawtech.ru/document/2012avtoref1148> f
4. Абдрашитов В.М. Актуальные проблемы и вопросы понимания и толкования принципа презумпции невиновности в современном праве. Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 5, Юриспруд. 2012. № 2 (17). <https://j.jvolsu.com/index.php/ru/archive-ru/77-vestnik-volgu-seriya-5-yurisprudentsiya-2012-2-17/aktualnye-problemy-teorii-i-istorii-gosudarstva-i-prava/289-aktualnye-problemy-i-voprosy-ponimaniya-i-tolkovaniya-printsipa-prezumptsii-nevinovnosti-v-sovremennom-prave>
5. Суд ишени адолатли кўриб чиқишга оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси жинойт процесси. Ҳуқуқшунослар учун амалий қўлланма. <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/07/Criminal-Process-in-Uzbekistan-Interactive.pdf>
6. The Presumption of Innocence: Definition & Overview. <https://study.com/academy/lesson/the-presumption-of-innocence-definition-lesson.html>



7. Тулаганова Г.З. ва Абдуллаев А.С. [Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳавфсизлигини таъминлаш.](#) –Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018 йил. 186. <https://library-tsul.uz/category/jinoyat-protsessual-huquqi/>
8. Кузора С.А., Пахарьков К.А.. Институт обвинения нуждается в реформировании.<http://naukarus.com/institut-obvinieniya-nuzhdaetsya-v-reformirovanii>
9. [https://e-justice.europa.eu/content\\_rights\\_of\\_defendants\\_in\\_criminal\\_proceedings\\_-169-FI-maximizeMS-en.do?clang=en&idSubpage=2](https://e-justice.europa.eu/content_rights_of_defendants_in_criminal_proceedings_-169-FI-maximizeMS-en.do?clang=en&idSubpage=2)
10. [https://e-justice.europa.eu/content\\_rights\\_of\\_defendants\\_in\\_criminal\\_proceedings\\_-169-DK-maximizeMS-en.do?clang=en&idSubpage=2&member=1](https://e-justice.europa.eu/content_rights_of_defendants_in_criminal_proceedings_-169-DK-maximizeMS-en.do?clang=en&idSubpage=2&member=1)
11. Directive 2012/13/eu of the European parliament and of the council. <https://eur-lex.europa.eu/LexUriServ/LexUriServ.do?uri=OJ:L:2012:142:0001:0010:en:PDF>
12. Criminal proceeding and defence rights in Austria. <https://www.fairtrials.org/wp-content/uploads/AUSTRIA-Mar-2016-Printer-Friendly.pdf>
13. <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/90034?publication=124>
14. *Мирзиёев Ш. М.* Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Халқ сўзи. – 2019. – 9 дек.